



ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 26 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон мустақиллигининг 25 йиллик шонли санаси муносабати билан чин қалбдан самимий табриклаб, унга давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятига янги муваффақиятлар, дўст туркман халқига фаровонлик ва бардавом таъқиёт тилади.

Ўз навбатида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов самимий қутловлар учун чуқур миннатдорлик билдириб, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, оқсоқиллик ва раванг тиланган шахсий иштакларини изҳор этди.

Сўхбат чоғида тарихан қисқа вақт ичида Туркменистон кенг қўламли социал-иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг пухта ўйланган стратегиясини амалга оширгани туфайли истеъдодли ва меҳнатсевар туркман халқи фаровонлигини мутасил юксалтириш, маънавий янгиланиш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакат нуфузини ошириш борасида салмоқли ютуқ ва марраларга эришгани таъкидланди.

Халқларимизни кўп асрлик самимий дўстлик ва қардошлик, яқин қўшнчилик

ришталари, муштарак аънава, урф-одат ва маданий қадриятлар боғлаб туради. Бу узоқ муддатли, кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун мустақам ва барқарор асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари яқинда турли даражада ўтказилган икки томонлама учрашувлар доирасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича эришилган келишувлар ижроси қандай бораётгани хусусида фикр алмашди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркменистон дўст халқларимиз фаровонлиги, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида кенг қўламли ўзаро ҳамкорликни ҳамда долзарб халқаро масалалар юзасидан амалий, ишончли ва очиқ мулоқотни изчил давом эттиришга тайёрглигини билдирди.

ЎЗА

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 26 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида Қирғизистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида алоқаларни кенгайтириш, ўзаро манфаатларнинг бир қатор асосий йўналишларида икки томонлиқ ўзгаришлар жўз бераётганини алоҳида қайд этди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, Фарғона водийсининг чегарадош вилоятлари раҳбарлари ва кенг жамоатчилиги иштирокида Андижон ва Ўш шаҳарларида ўтган Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг нуфузли делегациялари учрашувлари кўп асрлик аънаванинг дўстлик ва яқин қўшнчилик ришталарини, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва хурмат муҳитини мустақамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон — Қирғизистон

давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича икки мамлакат ваколатли органлари биргаликда олиб бораётган ишларнинг муваффақиятли якунланишидан томонлар бирдек манфаатдор эканини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари томонлари қизиқтирган қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп қиррали ва узоқ муддатли муносабатларни, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни янада мустақамлаш мақсадида бундан бундан ҳам турли даражадаги ўзаро алоқаларни давом эттириш ва рағбатлантиришга келишиб олдилар.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

МУКОФОТ ҚУВОНЧИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда кўрсатган мардлик ҳамда жасорати учун бир гуруҳ ходимлар мукофотланди.

Байрам тадбирларида, журналистлар билан сўхбатларда улар ўз дил сўзларини изҳор эттирмоқда.

Муроджон ТУРСУНОВ, Фарғона вилояти ИИБ алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири, «Мардлик» ордени соҳиби:

— Катта-кичик давраларда меҳнатинг эътирофи этилса ҳам хурсанд бўласан, ҳаяжонланасан киши. Президент Фарғона кўра, давлатнинг юксак мукофотида лойиқ қўрилсанг, бунинг қувончи, масъулият жуда баланд бўларкан. Тўғриси, ҳеч қачон бунчалик ҳаяжонланмаганман. Ойла аъзоларим, ҳамкасбларим мендан кўпроқ қувонишса қувонишдики асло кам эмас.

Болалигимдан одамларни ҳимоя қилишни орзу қилганман. Шу мақсадда олий ўқув юртида таълим олдим, билимимни оширдим. Ҳозир ўзим севган соҳада хизмат қилаётганимдан хурсандман. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари тизими алақачон халқаро метёрлар даражасига чиққан. Биз самарали хизмат қилишимиз учун барча шартлар яратилган, манфаатларимиз мустақам қонуналар асосида ҳимоя қилинмоқда. Яқинда «Ички ишлар орган-

лари тўғрисида» қабул қилинган Қонун бунинг яна бир тасдиғидир. Биз бутун куч-гайратимизни халқимиз тинчлигини мустақам ҳимоя қилишга қаратяпмиз. Халқимизнинг ҳам бизга ишончи ошиб бораётганини, ички ишлар идораларини ўзининг ҳимоячиси, деб ҳисоблаётганини яқини биламиз. Бу ишонч бизни қувонтиради, сидқидилдан хизмат қилишга ундайди.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаш кераки, бугунга келиб, ички ишлар идоралари замонавий техник воситалар билан тўлиқ таъминланди. Қолаверса, бугун сафимизда сараланган, жисмонан бақувват, юксак ахлоқий фазилатларга эга йигитлар хизмат қилмоқда. Биз, алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди учун табиий шартларда жуда яқинлаштирилган ўқув-машғулот майдонлари, спорт заллари бунёд этилган. Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз фаровон ҳаётини кўз қорачиғидек ҳимоя қилишни шарафли вазифа, деб биламиз. Эл-юрт тинчлиги ва омонлиги учун керак бўлса, жонимизни фидо қилишга ҳам тайёرمىз.



Фарғона АТМБВ олган сурат.

ХАЛҚАРО САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИЯ БИРЖАСИ:

ҳамкорлик учун кенг имкониятлар

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида Ўзбекистондаги 2 минг 500 дан ортиқ корхона, компания, ташкилот ҳамда кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Шунингдек, 1 минг 300 дан ортиқ хорижий корхоналар вакиллари қатнашаётди. Кўргазмада автомобилсозлик, электротехника, қурилиш, металлургия, кимё, нефть-газ, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика каби соҳаларга доир 24 минг турдан ортиқ тайёр маҳсулот, бутловчи қисм ва материаллар намойиш қилинмоқда.

2007 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма ҳўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида маълумотлар бериш, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, хорижий компанияларни янгиланган билан яқиндан таништиришга хизмат қилмоқда. Унда кичик корхоналар салоҳияти ҳам кенг қўламли намойиш этилади.

— Мазкур кўргазмада 5 йилдан бери иштирок этиб келамиз, — дейди «Standart

Elektro Texnika» масъулияти чекланган жамияти тижорат директори Шерзод Муртозов. — Ўтган йили биржа савдосида 500 миллион сўмлик шартномалар имзоланган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткичи 3 миллиард сўмга етказишни мўлжаллаб турибмиз. Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси 30 октябрда қадар давом этади.

Шаҳбоз САИДОВ



■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

2017 йилда ижтимоий соҳа қандай молиялаштирилади?..

Бюджет даромадлари тўлиқ шаклланиши, харажатлари тўғри йўналтирилиши мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ортиб боришида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун давлатимизда бюджет ва унинг ижросига жиддий эътибор қаратиб келинади.

Давлат бюджетни даромадлари шаклланиши, унинг харажатлари молиялаштирилиши анча мураккаб жараёнигини ҳаммамиз яқини биламиз. Бунда бюджет ва унинг ижроси билан боғлиқ ҳар бир масалани чуқур таҳлил қилиш, ҳатто-камчиликлари вақтини ўтказмасдан бартараф этиш чораларини қўриш катта аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар «2017 йил учун Ўзбекистон Республикаси Бюджетномаси, шунингдек, асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози, Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги масалани кизгин муҳокама этишди.

Ушбу масала юзасидан Молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаев ахборот берди. Таъкидландики, 2017 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,9, қишлоқ ҳўжалиги 6,2 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда.

► Давоми 2-бетда.



Сайлов ШОТЎЛАНОВ олган суратлар.

Келгуси йилги Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у биринчи навбатда, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. 2017 йилда Давлат бюджетига асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш хақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга йўналтирилган. Бу, ўз навбатида, аҳоли реал даромадларининг ўсиши, шу орқали турмуш даражаси ва ҳарид қўбилиятининг янада ошишига хизмат қилади.

■ САЙЛОВ — 2016

ҲУДУДИЙ СЕМИНАР

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадаларига бағишланган ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Жиззах вилоятида ташкил этилган 466 участка сайлов комиссияси таркибига эл орасида ҳўрмат-эътибор қозонган турли касб эгалари, жамоатчилик вакиллари фаолият қўрсатмоқда.

Семинарда сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳўқуқий асослари, уларнинг иш фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш, сайловчилар рўйхатини тузиш, овоз бериш жараёни бўйича қўниий тизим, муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш, сайлов жараёнида қўзғатувчиларнинг ўрни, сайловнинг ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли мавзуларида маърузалар тингланди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири.

■ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА МУНОСАБАТ

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 октябрь кuni имзоланган «Суд-ҳўқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қарорларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда босқичма-босқич ҳамда изчил олиб борилаётган суд-ҳўқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янги доврини бошлаб берди, десак муболага бўлмайди.

Ҳаммамизга аёнки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳўқуқ ва эркинликлари қарорланган. «Инсон ҳўқуқлари умумжаҳон декларацияси»да бу борада белгиланган барча принципиал қоидалар Конституциямизда ўз аксини топган. Шу асосда мамлакатимизда инсоннинг ҳаёти, шахси ва эркинлигининг дахлсизлиги олий қадрият сифатида эътироф этилмоқда.

2

ФРАКЦИЯ ЙИФИЛИШИ

■ 2016 йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар бюджет харажатларининг 59,2 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 59,7 фоизгача кўпайтирилиши белгиланган.

2017 йилда ижтимоий соҳа қандай молиялаштирилади?...

Аҳад Аҳмедов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Биламизки, бюджет давлат олдидagi вазифаларни молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларининг жамғарилиши ва сарф қилинишидир. Бюджет сийсати эса мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик, бюджет тизимидаги мувозанатни сақлаган ҳолда, давлат тасарруфидagi маблағларни келгусида унинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида ўта самарадорлик билан ишлатиш, демакдир.

Айтиш керакки, Давлат бюджетда йилдан-йилга ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг улуши ошириб боришмоқда. 2016 йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар бюджет харажатларининг 59,2 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 59,7 фоизгача кўпайтирилиши белгиланган.

Таълим харажатлари эса ўтган йилга нисбатан 18,0 фоизга ўсиб, яъни ички махсуслотга нисбатан 6,9 фоизни ташкил этади. Демак, Давлат бюджетидан мазкур соҳага ажратилаётган салмоқли маблағлар таълим-тарбия масканларида билим олиш шaroити ва имкониятларини яхшилаш учун кенг йўл очди.

Саҳобиддин Арзикўлов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз Давлат бюджети ижросида мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлаётганини қайд этади. Жумладан, келгуси йил учун тақдир этилаётган лойиҳада соғлиқни сақлаш харажатлари яъни, ички махсуслотга нисбатан 3,0 фоизни ташкил этиши белгиланган. Мазкур тизимни ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган дастурлар молиялаштирилишини таъминлаш ишлари изчил ва тизимли асосда давом эттирилмоқда. Биз бундай ёндашувни муҳим,

деб биламиз ҳамда уни қўллаб-қувватлаймиз. Чунки аҳолининг соғлигини сақлаш, соғлом авлодни вояга етказиш учун шароит яратиб берилиши Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига ўйла мос келади.

Давлат мақсадли жамғармалари, жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси, Олий ўқув yurtларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаларининг даромадлари аниқ ҳисоб-китобларга асосан етарли манбаа билан таъминлаши белгиланган депутатлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат бюджетди лойиҳасида белгиланган асосий кўрсаткичлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига эътибор йил сайин ортиб бораётганининг яққол ифодаси эканини таъкидлашди.

Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон ХДП фракцияси 2017 йил учун Ўзбекистон Республикаси Бюджетномаси, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари, солиқ ва бюджет сийсатининг асосий йўналишларини қўллаб-қувватлашни билдирди. Давлат бюджетининг харажатлари самарали ва мақсадли олиб борилишини таъминлашда мутасадди вазирликлар ҳамда идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш бўйича тақлифлар билдирди.

Йиғилишда, шунингдек, 2017 йилга мўлжалланган аҳоли бандлиги Дастури лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.



Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Низомовнинг қайд этишича, мазкур Дастур янги объектларни ишга тушириш, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлақонли фойдаланиш, sanoat, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш, ижтимоий инфратузилма, коммуникация, уй-жой қурилиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган. Унга кўра, келгуси йилда 994,7 минг киши ишга жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Хайрулла Рўзметов,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш долзарб масала ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этишда янги иш ўринлари очиш, аҳолига барқарор даромад манбаини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, Дастур лойиҳасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, банд бўлмаган аҳоли ва

ишсизларга, биринчи навбатда ёшларга, хотин-қизларга, имконияти чекланган шахсларга касб-ҳунарга қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш хизматлари кўрсатилиши белгиланган. Бунинг учун Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги Касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг имкониятлари ишга солинади. Ушбу марказларда ҳамда базавий касб-ҳунар коллежларида ишсиз фуқаролар машинасозлик, электротехника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишларида касб-ҳунарга қайта ўқитилади ва малакаси оширилади.

Шу маънода олиб қарасак, Дастур лойиҳаси партиямиз дастурий мақсадлари, электротехника, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишларида касб-ҳунарга қайта ўқитилади ва малакаси оширилади.

Зулайхо Акрамова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Дастур доирасида ташкил этиладиган янги иш ўринлари ҳамда буюв ва захира қилинадиган иш ўринларига 508,8 мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини жойлаштириш кўзда тутилмоқда. Муҳим томони шундаки, Дастур лойиҳасида кол-

леж битирувчиларини иш билан таъминлашнинг янги услубларини қўллаш масалалари алоҳида акс этган. Хусусан, коллежларнинг ўқув жараёнига ишга жойлаштиш ва ўз ишини очиш масалалари бўйича иккита ўқув-амалий курсини киритиш, интернет тармоғида «Ўз ишингни ярат» махсус портални очиш, коллеж ва лицейларда меҳнат бозорига талаб этилаётган касблар ва мутахассисликлар ҳақида маълумотларнинг намоишини ташкил этиш каби вазифалар белгиланмоқда.

Буларнинг барчаси таълим муассасаларини битираётган ёшларни эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлашда, фарзандларимизнинг ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишда муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Атрофича муҳокамалардан сўнг, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари партиянинг ғоявий мақсадларини ва Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, 2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури лойиҳасини қўллаб-қувватлашди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Фракциямиз
Давлат бюджети
ижросида
мамлакатимизда
ижтимоий соҳани
янада
ривожлантириш,
аҳолининг
даромадлари ва
турмуш
даражасини
муттасил ошириб
бориш масалалари
доимий эътиборда
бўлаётганини қайд
этади.

■ ЎзХДП «ФАОЛ
АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар партия кенгашлари ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда шу мавзуда давра суҳбати ўтказди.

СОҒЛОМ ФАРЗАНД — СОҒЛОМ ВА АҲИЛ ОИЛАНИНГ МЕВАСИ

Тадбирда қиз болаларни жисмонан соғлом ва маънан етук этиб тарбиялаш, уларнинг таълим олиши, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлишини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, ўз ишини очиш истагидаги ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда эрта турмушнинг салбий оқибатларини тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Бугун мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар замирида инсон саломатлиги, унинг хотиржамлиги ва осуда турмуш кеңиришига бўлган эътибор муҳимдир, — деди **ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Рашид Муртазаев**. — Партиямиз Сайловолди дастурида тиббиёт соҳаси бўйича белгиланган вазифаларни ҳал қилиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик гуруҳимиз томонидан муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда хилма-хил тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларга, айниқса, маҳалла аҳли ва фаолларининг кенгрок жалб қилинаётгани яхши самара бермоқда.

2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурига кўра, Қарши шаҳар кенгаши томонидан «Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида»-ги Қонуннинг ижроси ҳақидаги масала сессияда муҳокама этилди. Партия электорати манфаатлари йўлидаги ҳеч бир масала эътиборимиздан четда қолмаслиги керак. Хусусан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ба-жарилишини таъминлашда депутатларга берилган ваколатлардан самарали фойдаланишимиз лозим.

— Бугун аёллар давлатимиз ва жамиятимизнинг ардоғида, эътиборида, — деди **халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати, 6-умумий ўрта таълим мактаби директори Назира Ўроқова**. — Ҳозирги кунда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгиллаштириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш бўйича кенг қўлмали ишлар изчил давом эттирилмоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари, диагностика марказлари, туғуруқхоналар, скрининг ва перинатал марказлари ишга туширилди. Оналик ва болалик муҳофазаси устувор йўналишга айланди. Ҳар бир аёлнинг сийхат саломатлигини таъминлаш масаласи назоратга олинди. Бундай шароитда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш улуг мақсад, масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Тадбирда, шунингдек, «Ўзтемир-йўлўловчи» акциядорлик жамияти Қашқадарё филиалидаги бошланғич ташкилот етакчиси Улуғбек Донаев, Қарши темир йўл ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими маси бошлиғи, майор Улуғбек Раҳимов, Қарши шаҳар Кенгаши депутати Жамила Тўрақуллова ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Келгусида бундай тадбирлар қамровини янада кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шахло ХУДОЙҚУЛОВА,
ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши сектор мудири.

■ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА МУНОСАБАТ

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИ

Бир эслайлик, давлатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ташаббуслари билан суд-ҳуқуқ тизимида улкан ислохотлар амалга оширилди. Судларнинг давлат ҳокимияти органи сифатидаги мавқеини мустақамлаш, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш соҳадаги энг устувор вазифа сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этишчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципи асосла-ниши ҳақидаги қонини мустақамланган. Бу суд органи-ни мустақил давлат органи сифатида ташкил этишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди. Мазкур конституциявий норма-дан келиб чиқиб, дастлаб Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»-ги Қонуни қабул қилинди. Яъни, суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўлмали ислохотлар олиб боришга ҳуқуқий замин яратилди. Ўтган йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохот-лар изчиллиги ва босқичма-босқичлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Маълумки, суд-ҳуқуқ соҳа-сида олиб бориладиган ислохот-лар натижада дастлабки тергов босқичида суд назо-ратини қўйиш мақсадида да миллий қонунчилик тизи-мида «Хабас корпус» инсти-туту жорий этилди.

Эътироф этиш жоизки,

2008 йилдан бошлаб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўткази-лиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида таш-ланган муҳим қадамлардан бири бўлди.

2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фу-қаролик жамиятини ривож-лантириш концепцияси»да ҳам суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либе-раллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланди.

Концепцияда белгиланган асосий қоидаларга мувофиқ, жиноят процессуал қонунчи-лигининг иккита муҳим йўна-лишида шахснинг дахлсизлик ҳуқуқларига тегишли бўлган процессуал мажбурият чора-сини, яъни айбланувчини ла-возимдан четлаштириш тўғри-сидаги, шунингдек, шахсни тиббий муассасага жойлаш-тириш ҳақидаги процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби жорий қилин-ди. Ушбу процессуал ҳаракат-

ларни белгилловчи қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жи-ноят-процессуал кодексига мустақамлаб қўйилди.

Жиноят қонунчилигига ки-ритилган мазкур ўзгариш ва қўшимчаларнинг муҳимлиги шундаки, амалиётда тергов жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш, ҳолисликни таъминлаш, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имкони кенгай-ди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикр юритадиган бўлсак, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликла-рини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини қўйиштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Президент Фармонида ўта долзарб масалалар қамраб олинган, тизимдаги ислохот-лар изчил давом этаётгани аён бўлади.

Ушбу Фармонга асосан 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб дастлабки тергов бос-қичида суд назоратини янада қўйиштириш мақсадида, Ўзе-бекистон Республикаси Жи-ноят-процессуал кодексининг те-гишли моддаларида белгилан-ган почта-телеграф жўнатма-ларини қўйиш учун сан-кция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилади. Шунингдек, дафн этилган мурдани эксгумация қилиш, яъни жиноятга алоқа-си бўлган шахснинг жасадини қайта текширувдан ўтказиш мақсадида қўйилган жойидан очиб олишга санкция бериш

Келгусида эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, биринчидан, холисликни таъминласа, иккинчидан, турли хил шубҳа-гумонларнинг олдини олишга хизмат қилади.

ҳуқуқи ҳам судларга ўтказила-ди. Мана шу икки қонини ҳам, энг аввало, фуқароларнинг устувор конституциявий ҳуқуқ-ларини янада мустақамлаш-га, шу билан бирга, ўтганлар-нинг ҳурматини жойига қўйиш-га хизмат қилади.

Хўш, ҳозирда почта-те-леграф жўнатмаларини хат-лаб қўйиш, шунингдек, экс-гумация қилиш тартиби қандай?

Маълумки, Жиноят-процес-суал кодексининг 166-модда-сида почта-телеграф жўнатма-ларини хатлаб қўйиш асосла-ри белгиланган. Унда гумон қилинувчи, айбланувчи, судла-нувчи бошқа шахсларга юбор-ган ёхуд бошқа шахслар гу-мон қилинувчига, айбланув-чига, судланувчига юборган

почта-телеграф жўнатмалари-да содир этилган жиноятга доир маълумотлар ёки иш учун аҳамиятга молик ҳужжат-лар ва буюмлар бор деб гу-мон қилиш учун етарлича асослар бўлганда, суришти-рувчи, терговчи бу шахслар-нинг барча почта-телеграф жўнатмаларини ёки уларнинг айримларини хатлаб қўйишга ҳақли. Бунинг учун прокурор-нинг санкциясини олиш талаб этилади. Бироқ бунда, яъни, дастлабки тергов босқичида гумон қилинувчи, айбланувчи-нинг ҳуқуқларини бир томон-лама ҳал этиш эҳтимолини оширади. Шу маънода, Пре-зидент Фармонида белгилан-ган почта-телеграф жўнатма-ларини хатлаб қўйиш учун санкция бериш ҳуқуқи судлар-га ўтказилишининг аҳамияти жуда катта, деб ўйлаймиз.

Энди эксгумация қилиш-нинг амалдаги тартибига тўхталсак.

Маълумки, Жиноят-процес-суал кодексини мурдани экс-гумация қилиш асослари бел-гиланган. Унга мувофиқ, зарур бўлган тақдирда кўздан ке-чи-риш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун мурдани қабрдан чиқариб олиш мумкин. Бунинг учун суриштирувчи, терговчи қарор чиқариб, прокурорнинг санкциясини олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳақида про-курор ўзининг қарорини қабул қилишда майит (мур-да)нинг қариндошларидан ро-зилик олиш ҳақидаги қонини

амалдаги қонун ҳужжатлари-да белгиланмаган. Бундай ҳолатда прокурорнинг яқка тартибда қабул қилган қаро-ри бир томонлама асослани-ши, қолаверса, эксгумация қилиш зарур бўлган майит қариндошларининг айрим но-розилигига, турли хил гумон-лар ва англашилмовчилик-ларнинг келиб чиқишига са-баб бўлиши мумкин.

Келгусида эксгумация қи-лиш учун санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказили-ши, биринчидан, холисликни таъминласа, иккинчидан, турли хил шубҳа-гумонларнинг олди-ни олишга хизмат қилади.

Чунки судлар бундай иш-ларни асосан очик суд маж-лисида ва томонларнинг иш-тирокида қўриб чиқади. Бу қонини орқали инсон шаъни, кадр-қиммати улуғланади, азал-азалдан яшаб келаётган миллий ва диний урф-ода-ларимизга ҳурмат сақланади.

Хулоса ўрнида айтиш мум-кинки, Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини қўйиштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъ-ни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларининг таъ-минланишига янада кенг йўл очиб беради.

Абдуманноб РАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти.

ИСЛОҲОТ
ВА ИНСОН

**МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАДА
UNESCOнинг
Ўзбекистондаги
фаолиятига
бағишланган китоблар
кўргазмаси очилди**

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида UNESCOнинг китоблар кўргазмаси очилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот хизмати хабар бермоқда.

Кўргазмадан UNESCOнинг Ўзбекистондаги фаолиятига доир китоблар, журналлар ва фотосуратлар, соғлиқни сақлаш, оналик ва туғилишлар, бола ҳуқуқи, инсон ривожланиши омили, табиат муаммолари, иқтисодиёт, фан ва маданият ютуқларига, шунингдек, аҳолининг турмуш даражасига бағишланган китоблар жой олган.

Ўзбекистон мазкур ташкилотга 1993 йил 23 октябрдан аъзо бўлган, кўргазма ушбу санага бағишланади.

ПОЙТАХТНИНГ
ОЙБЕК КЎЧАСИ

**автомобиллар
ҳаракатланиши
учун очилади**

Шу йилнинг август ойида «Тошкент» темир йўл вокзалига олиб борувчи Ойбек кўчаси ёпишган эди. Эндиликда мазкур кўча транспортлар ҳаракатланиши учун қайта очилади. Бу хабарни шаҳар ҳокимияти тасдиқлади, дея хабар бермоқда UZ24 нашри.

Ижтимоий тармоқларга ушбу кўчада олиб борилаётган кўришни ишлари акс этган суратлар жойланмоқда.

Ойбек кўчасининг Нукус ҳамда Туркистон кўчалари кеншишуви оралиғидаги қисми ёпилишдан кўзланган мақсад «Тошкент» темир йўл вокзали атрофидаги ҳудудларни янада ободонлаштириш, аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришига қулай шароит яратиш эди.

ЎЗБЕК
ПЕДАГОГЛАРИ

**«Умумий психология»
электрон дарслигини
яратди**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ходимлари Дилором Махмудова ва Мирмуҳсин Акрамов «Умумий психология» электрон дарслигини яратди. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлигининг матбуот хизмати хабар берди.

Электрон мультимедияли ушбу дарслик олий ўқув юртинининг бакалавр таълим йўналиши учун мўлжалланган. Мазкур дарслик психиканинг ривожланиш қонуниятлари, шахс хусусиятлари, хусусан характернинг психологик хусусиятлари бўйича талабаларнинг билим ва малакасини ошириш имконини беради.

Дарслик ўқув қўлланма, тақдиротлар, изоҳли лугат, фотолархалар, иллюстрация ва тест топшириқларидан иборат.

**ЎЗДЖТУ талабаси
Умида МУХТОРБЕКОВА
тайёрлади.**

■ Бозор шароитида одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, коллеж ўқувчиларини ишга қабул қилиш ва бошқа вазифаларни бажаришга ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз лозим, деб ўйлайман.

БИРНИНГ ШАРОФАТИ МИНГА,
МИНГНИКИ ТУМАНГА

Тадбиркор, ЎзХДП аъзоси Нурали Баратов паррандачилик ҳўжалигини қандай сақлаб қолгани ва янада ривожлантираётгани ҳақида

— Тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳақидаги янги фармон тараққиётни бундан-да жадаллаштиришга хизмат қилади. Очиги, бунгача қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг айримларида ижро сезилмас эди. Аксинча, бу гал ишга ҳалақит берадиганлар ўз қилмишларини ўйлаб кўришади. Ўринбосарим — ўғлим Бегалига «Энди яна ҳам ғайрат қилгин, барака топасан!», дедим...

У Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонини ҳаяжонланиб шарҳлаб берди.

— Фармонда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга алоҳида эътибор берилган, — дейди Нурали. — Биласизми, бу нима дегани? Энди ҳар қандай яхши қонун ва қарорлар қозғоғда қолиб кетмайди, дегани.

— Паррандачиликка ҳам нафис тегадими? — эҳтиёт бўлиб сўрайман ундан. — Асосий йўналишларда тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш назарда тутилган, менимча.

— Унда бу ҳужжатнинг моҳиятини тўла англаб етмабсиз, — дейди у яна тўқилганиб. — Фармонга кўра, 5 та устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир Дастури тасдиқланган матбуотда шарҳлаб берилди-ку! Улар барча соҳага, шу жумладан, паррандачилик тараққиётига ҳам бевоқифа дахлдор. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, дейишди. Бугунги ютуқларимизни англаш учун ўтмишдаги қийинчиликларни, йўл қўйилган хатоларни эсдан чиқармаслик лозим. Мен чеккан азоб-уқубатларимизни, қандай қилиб ҳўжалигимизни асраб қолганимиз, янги-янги лойиҳаларни амалга оширганамиз-ни ҳеч қачон унутмайман. Жамоамиз аъзолари ҳам унутмайди...

Ўрта буй, истараси иссиқ, доим дўппи кийиб юрадиган Нурали Баратов билан янги фармон ҳақида, ўзининг янги режалари ҳақида суҳбатлашамиз. Нурали ҳаммаша ниманидир мўлжаллаб юрадиган ташаббускор йигит. Бундан икки йил олдин янги иш бошлаганини

айтган эди. Дарҳақиқат, кичик цех тузиб, ўтган йили минг бош бедана кўпайтирган эди, бу йил эса мазкур рақам икки ярим баробарга етибди. Яна бир янгилиги — балиқчилик экан. Паррандадан озроқ ем чиқитга чиқиши мумкин. Шунини ўйлаб, бир гектар ташландик жойда ҳовуз қазиб, қўлга айланттирибди, натижада бу йил 5 тонна зогора, оқ амур, дўнгпешона зотли балиқларни савдога чиқарибди. «Келаси йил балиқ 10 тоннадан кам бўлмайди», дейди у.

Маълумотларга қараганда, истиқлолгача мамлакатимизда 170 дан ортиқ иқтисослашган йирик паррандачилик ҳўжалиги бўлган ва уларнинг қарийб 35-40 фоизи бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб кета олмаган. Қашқадарь вилоятида Қамаш, Қасби, Деҳқонбод туманларидаги ҳўжалиқлар фаолиятини тўхтатган. Чироқчи туманидаги «Истиклол» ҳўжалиги энди ўзини ўнгловати.

— Дунёнинг ривожланган мамлакатларида паррандачилик соҳасида ниҳоятда юқори натижаларга эришилмоқда, — дейди Нурали Баратов. — Уларда наслчилик, махсуддорлик, озуқа борасида тинмай изланиш олиб борилади. Юртимиз истиқлолга эришган, бошқа соҳалар қатори паррандачиликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Ҳукуматимизнинг яхши қарорлари чиқди. Афсуски, мен ҳўжалик раҳбарлигини қабул қилганимда, товук деярли қолмаган, роса қарзга ботган эдик. Жамоамиз аъзолари: «Ҳали яхши қўнлар келмади, келинлар, умидсизланмайлик, бор имкониатни ишга солайлик», дедим. Ростини айтсам, аҳволни қандай ўнглашни ўзим ҳам билмасдим. Юрагим сиқилар, кечакундуз тинмай ўйлардим, чора кидирардим. Охири, яхши одамлар хузурига бордим.

«Бухоро парранда» МЧЖ раҳбари Ўбайдулло ака Қобилова ҳўжаликдаги 80 киши йилига 5 миллион донна тухум етиштирган бўлса, ҳозир бутунлай бўлақча. Аввало, биз 35 иш ўрнини сақлаб қолдик. Ўтган йили 5 миллион донна тухум етиштирдик. Тухум етиштириш бу йилнинг охиригача 7 миллион доннага, парҳез гўшти 40 тоннага етади. Қандай қилиб бунга эришдик? Келинг, уринишларимизни айтиб берай. 2013 йилда Россиянинг Свердловск вилоятидаги паррандачилик ҳўжалигидан 10 минг бош зотли ҳўжа келтириб кўпайтирдик. Тухумини цехимизда очириб, 15 минг бош ҳўжани аҳолига бепул тарқатдик.

Ўтган йили голландиялик мутахассислар ҳўжалигимизга келишди. Ишдан суҳбат бўлди. Биз бу давлатда етиштирган «Декал» зотли товукнинг ҳўжасини «Мароканд» МЧЖ дан олаётимиз. Ниҳоятда сермахсул, йилига ўртача 280 донна тухум беради. Ҳозир 74 минг товук бўлса, унинг 34 минг боши тухумга қираяпти.

Нурали ҳеч нарсани оширмай-тоширмай ҳикоя қилиб берди, цехларни кўрсатди. Ишчилар билан таништирди. Масалан, товук боқар — оператор Салима Остонова, унинг умр йўлдоши, устакхона чилангари Жўракул Нуралиев узок йилдан бўён меҳнат қилишарди. Коллежни тугатган ўғли Темур ҳам ишга келибди. Умуман, жамоада 15 нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилмоқда.

Нуралининг ўзи айтмаган бир гапни бошқалардан эшитдим. У ижтимоий маддага муҳтож қатор оилаларга, талабаларга корхона ҳисобидан ёрдам кўрсатиб келаятган экан. Кимгадир уй қуришда



миг раҳмат, 1995 йилда 40 минг бош ҳўжани қарзга берди, 35 минг бош сермахсул товук бўлди. Республика паррандачилик уюшмаси ҳам ёрдам қилини чўзди. Ишни ташлаб кетган айрим ходимларимиз ҳам қайта бошлади...

Молиявий кўмаксиз ривожланиш қийин. Вилоят саноат-қурилиш банкidan 2000 йилда 50 миллион сўм, 2007 йилда 200 миллион сўм кредит олиб, ишмизни ўнглай бошладик. Товук сони кўпайди. Жўжа очириб цехини таъмирлаб олдик. Эски товукхоналаримизнинг ҳар бирида 10 минг парранда боқилди. Бирок тараққиётнинг талаби қаттиқ олдинга юрмаган ютказди. Шунинг учун 2013 йилда банкдан 1 миллиард сўм кредит олиб, Украинада тайёрланган ускуналарни ўрнатдик. Бу замонавий цехимизда бир йўла 35 минг товукни парвариш қилиш мумкин.

— Наслчилик ва озуқа ҳақида суҳбатлашсак, бу икки омилсиз паррандачиликни ривожлантириш қийин, шундай эмасми?

— Дарҳақиқат шундай, — дейди қатъият билан Нурали. — Паррандачиликда ҳар бир сўм ҳисобда, шунинг учун ҳукуматимиз қатор имтиёзлар яратган. Биз емни Қаршидаги «Дунё-М» корхонасидан тўғридан-тўғри, шартнома асосида сотиб оламиз. Хитойдан 74 минг АҚШ долларига озуқа тайёрлаш цехи келтириб ўрнатдик. 45 гектар еримизга ғалла, маккажўҳори экамиз ва емга аралаштираемиз. Натижада тўйимли озуқа ҳосил бўлади. Энди наслчилик келсак, олдин «Леггорн», «Беларус» зотли товукларни боқардик. Илгари

ёрдам берибди, 15 нафар талабанинг шартнома пулини тўлабди.

— Мен партиямиз ташкил топгандан бўён аъзоман, — дейди Нурали Баратов. — Бозор шароитида одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, коллеж ўқувчиларини ишга қабул қилиш ва бошқа вазифаларни бажаришга ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз лозим, деб ўйлайман.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳақидаги фармонни жамоада муҳокама қилдик. Натижада янги режа тузилди. Банкдан кредит олиб, 50 минг бош товук парвариш қилинадиган янги ускуналарни келтирмоқчимиз.

Натижада махсулот кўпаяди, қандайдир яна 10 иш ўрни яратилади.

Бир воқеани айтмасам бўлмас, — дейди Нурали. — Бундан ўн йил бурун туман ҳокимлиги ҳўжалигимизни банкрот қилишга уринди. Хайрон бўлдик, ҳеч қимдан қарзимиз йўқ, ривожланиш йўлига тушиб олаётган эдик. Кейин билсак, қайсидир бадавлат кишига ҳўжаликни сотмоқчи бўлишган экан. Йўқ, ниҳоят-ниҳоят етишолмади. Ўзлари қонун олдида жавоб беришди... Агар ўшанда қаттиқ турмаганимизда, ким билади дейсиз, корхона тугатилиб кетарди...

Унинг меҳнат фаолияти аслида қатта-кичик курашлардан иборат. Ана шу курашларда у тобланмоқда, орзуларини амалга оширмоқда, иззат-ҳурмат топтоқда.

Юнус УЗОКОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

БМТнинг

янги Бош котиби

Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига кўра, Антониу Гутерриш 2017 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабргача муддатга БМТ Бош котиби этиб тайинланди, деб маълум қилди БМТ матбуот маркази.



Антониу Гутерриш 1949 йил 30 апрелда Лиссабонда туғилган.

Олий техника институтини тугатган ҳамда ушбу ўқув юртида ўқитувчилик қилган. У 1995 йил Португалия бош вазир, 2005 йил июндан 2015 йил декабргача қочоқлар ишлари бўйича БМТ Олий комиссари лавозимида фаолият кўрсатган.

ПАРЛАМЕНТЛАРАО
ИТТИФОҚ

сессияси бўлиб ўтмоқда

Парламентларо Иттифокнинг 135-сессиясида дунёнинг 138 мамлакатидан 700 дан ортиқ вакил иштирок этмоқда. Улар бугунги куннинг долзарб муаммоларини муҳокама қилишди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар берди.

Шу йил Парламентларо Иттифокда ҳуқуқ қўмитаси ташкил қилинганга 40 йил тўлади. Ўтган вақт давомида парламентарийлар 2500 қонда бузилиши ҳолатини кўриб чиққан.

Бу гал муҳокамада доира-си марказига аёллар ҳуқуқларини таъминлаш масаласи ҳам киритилган.

Парламентларо Иттифок — турли давлатларнинг миллий парламент гуруҳларини бирлаштирувчи халқаро ташкилотдир. Асосий вазифаси Парламентларо ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ва халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида биргаликда фаолият кўрсатишни таъминлашдир. Унинг фаолиятида 110 дан ортиқ давлатнинг парламент гуруҳлари қатнашади. Қароргоҳи — Женева шаҳрида жойлашган.

СЎНГИИ ЮЗ
ЙИЛЛИКДА

**Энг совуқ қиш келиши
баҳорат қилинмоқда**

Немис метеорологларининг баҳорига қараганда, келаятган қиш сўнги юз йилликдаги совуқ қиш бўлади. Бу ҳақда novostivmire.com сайти хабар бермоқда.



Олимларнинг айтишича, қиш фаслида офтоб деярли кўринмайди, январь ва февраль ойлари кучли совуқ билан кечадди. Маҳаллий об-ҳавони кузатиш маркази бу баҳоратни тасдиқлаб, Европада Арктиканинг совуқ ҳаво оқими келишини айтмоқда.

Қиш нафақат қаттиқ совуқ, балки узун келиши ҳам таъкидланмоқда. Баҳор эса кечикиб, 2017 йилнинг апрелдан бошланиши кутуляпти.

**Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

СЕМИНАР

Инсон ҳуқуқлари ҳамма нарсадан устун

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг мақсади, мазмун-моҳиятини кенг аҳолига етказишни таъминлашга қаратилган семинар ўтказилди.

Тадбирда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришга, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги аҳамиятини оширишга хизмат қилмоқда. Бирок мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Мазкур Фармон соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги

босқичга кўтариб, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш, одил судловга эришиш даражасини оширишдан иборат асосий устувор йўналишларни белгилаб берди.

Фармонга мувофиқ, Конституция-мизда белгиланган судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунishi ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлигининг муқаррарлиги принциплари оғишмай амал қилиш таъминланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахслар муҳофазатларини

қўриб қилиш тартибининг бузилишига йўл қўймаслик чоралари қўрилди. Шунингдек, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш орқали камчилик ва қонунбузилишларни аниқлаш, бар-тароф этиш, илгор илмий-техника воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, идоравий назоратни кучайтириш, ходимлар ўртасида суиестеймолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарлиқларнинг олдини олиш, кадрлар таркибини сифат жиҳатидан яхшилаш, уларни танлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш вазифалари белгиланди.

Маълумки, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуришнинг энг муҳим шартларидан бири — суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашдан иборат. Фармонга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Киритилаётган бу ўзгаришлар халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илгор тажрибасига тўлиқ мос келади.

Шунингдек, бир қатор кодекс ва қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда.

Тадбир иштирокчилари мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига қаратилган бўлишига эътибор қаратдилар.

Анжуманда сўзга чиққан ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар томонидан Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда журналистлар олдида турган долзарб вазифалар, эътиборга олиниши лозим бўлган муҳим жиҳатлар алоҳида таъкидланиб, тегишли тавсиялар берилди.

**Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

МУЛОҲАЗА

■ Қадим-қадимдан то шу кунгача халқимизда севги муқаддас туйғу ҳисобланади, у кўз-кўз қилинмайди, сир тутилади. Севги-муҳаббат ҳаёси, ибоси билан қадрли.

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида тил байрамига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тил ва маънавият

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров, профессор Хуршид Дўстмуҳаммад ва бошқалар ўзбек тилининг тарихи, мустақиллик арафасида унга давлат тили мақоми бериш давридаги қарама-қаршиликлар тўғрисида фикр юритишди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов жасорати тўғрисида барча эл-белларга қарамай, давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилинишига эришилганини алоҳида таъкидлашди.

Халқаро журналистика назаляси ва амалиёти кафедра мудири Назира Тошпўлатова мустақиллик йилларида она тилимизни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида тўхталди. Ўзбекистон телерадиоканалари тошкент телерадиоканали ходимлари Раъно Абдураимова, Рустам Исоқов, Бобурхўжа Тиллашўжаев, Рустам Мирвоҳидов талабаларнинг телебозорчилик масъулияти, нотиклик маданияти билан боғлиқ саволларига жавоб беришди.

Тадбирда ўзбек тилининг бойлиги, гўзаллигини намоиш этувчи шеърлар ўқилиб, санъаткорлар ихросида куй-қўшиқлар янгради.

Манзура ПАРВОЗ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

Ёшлар ташаббуси билан

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Давлат тарихи музейида «Ўзбек тили — ўз тилим» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган тилшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар ўзбек тилининг туркий оламда тутган ўрни ва аҳамияти, мустақиллик йилларида тилимизга берилган эътибор тўғрисида атрафлича фикр юритдилар.

Шунингдек, ўзбек тили дунёдаги энг бой тиллардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди. Мутахассислар она тилимиз билан боғлиқ айрим муаммоларга тўхталиб, миллий тилимизга ёт ҳар хил сўзлар нутқимизда ишлатилмаётганига эътироз билдиришди.

— Ўз миллатига, халқига ҳурмати бўлган одам, албатта, она тилини ҳам ҳурмат қилади, — деди шоира Санобар Меҳмоноба.

Ёш шоир Аслидин Сабриддинов эса бугунги ёшларнинг тилга бўлган муносабати хусусида тўхталиб, ўз иход намуналаридан ўқиб берди.

Тадбир якунида иштирокчиларга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят кенгаши томонидан «Қамолот кутубхонаси» руқни остида чоп этилган ўзбек ва жаҳон адабиёти намоёндалари асарлари тақдим этилди.

Махлиб АЛИКУЛОВА,
журналист.

БИР ХИЛ ЛИБОСЛИ «КЕЛИННАВКАР»ЛАР

Сўнгги пайтларда тўйхоналарда катта экранларда келин-куёвнинг «севги тарихи», яъни Европада оммалашган «Love story» видеожазланмаси намоиш этилиши оdatта айлана бошлагани кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Тўйларда келин-куёвнинг «севги тарихи»ни намоиш этиш қачондан урф бўлди, қандай пайдо бўлди, деган саволлар кишини ўйга толдиради. Қадим-қадимдан то шу кунгача халқимизда севги муқаддас туйғу ҳисобланади, у кўз-кўз қилинмайди, сир тутилади. Севги-муҳаббат ҳаёси, ибоси билан қадрли.

Тасаввур қилинг, тўйда келин бўлиши кўёв бола ёнида ийманиб, бош эгиб ўтирадиган, уятчанлиги учун унга ҳурмат билан қарайсиз. Шу пайт ҳамманинг олдида кўёв бола билан кўл ушлашиб, кўтиклашиб, ёки келиннинг кўёв кўксига бош қўйиб турган ҳолатлари катта экранда намоиш этила бошланади. Гўё келин-куёв тўйгача бўлган учрашувларини, ўзларининг севги тарихини кўз-кўз қилипти.

...Яқинда дугонам Зарнигорнинг (исми ўзгартрилган) фотиха тўйи бўлиб ўтди. Келин билан кўёвнинг севги тарихини, замонавий тил билан айтганда «Love Story»ни тўй кунини намоиш этиш мақсадида икки ёш тоққа чиқишган эди. Суратга тушиб жараёнда беҳосдан келиннинг оёғи тийиб, пастликка думалаб кетди. Уни эҳдик билан касалхонага олиб боришди. Зарнигор тирик, аммо... бир умрга ногирон бўлиб қолди. Йигит тўйни қайтарди...

Бошқа бир дугонамдан тўйига тақлифнома олдим. Унинг айтишича, тўйда келиннинг ҳамма дугоналари «келиннавар» сифатида бир хил либосда бўлиши шарт



эмиш. Аввалига бу ҳолат менга кулгили туолди. Ахир, дугонанинг мен танимаган танишлари ҳам бўлиши мумкин-ку, қандай қилиб улар билан бир хил кийинаман, ҳамманинг диди турлича бўлса? Эътирозимни билдиришга энди оғиз жуфтлаган эдим, дугонам йигирмата қизга етадиган либос учун газламани ўз бўйинга олганини айтди. Ота-она қизига сарпо қилгани етмагандек, энди келиннинг дугоналари (келиннавар)га ҳам кийим олиши керакми?..

Ҳамманинг имконияти бир хил эмас, албатта. Оқила қиз ҳеч қачон ота-онасини қийнаб қўймайди, ҳолаверса, «келиннавар» дегани қадрият эмас, иллат деб ўйлайман.

Бир хил матодан кийим кийган келин қуршовидаги қизларнинг суратлари ижтимоий тармоқларда қўйилишига ҳам кўзимиз ўрганиб қолди. Энг қизиги, бундай суратларнинг остидаги «келиннавар» деган ёзувга кимдир эътибор берди, кимдир эса йўқ. Аслида, кўёв бўлиши дўстлари билан келиннинг ўйига келишини кўёв-

наварларни қўтиш маросими сифатида биламиз. «Навар» сўзи ҳам эркакларга тегишли эмасми? Аммо энди келиннинг бир хил либосдаги дугоналарини «келиннавар» дейиши нимани англатади?..

Ҳозир айни никоҳ тўйлари мавсуми, майли, ҳар ким орзу-хавасига етсин, бахтли бўлсин. Аммо биз учун етти ёт бегона одатлар тўйларимизга кириб келаётгани кишини ташвишга солади.

Тўйларни ихчамлаштириш ҳақида ҳамиша, ҳамма жойда гапириб келинади, тушунтириш ишлари олиб борилади. Шунга қарамай, ғалати одатларга тақлидлар пайдо бўляптики, улардан оммавий маданият ҳиди келаётганига ўхшайди. Эҳтимол, менинг фикрим кимларгадир ёқмас, эътирозлар бордир. Марҳамат, бахлашайлик, бошқалар ҳам фикрини айтсин.

Шоҳсанам НИШОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

ОБОД МАСКАН

«Бир келсам баҳор эди, субҳидам наҳор эди»... Бундай шоирона ташбеҳни ўқиганда, гўзал Фарғона водийсидаги «Чимён» оромгоҳининг чиройи кўз ўнгимда гавдаланаверади, — дейди таниқли қизқич Абдурахмон Сиддиқов. — Дам олувчилар билан учрашувлар эса ҳамиша қизқичарли ва файзли ўтади. Бу сафар Марҳаб ва Абдулҳай Каримовлар билан йиғилганлар кўнглини ҳушнуд этишга ҳаракат қилдик. Айниқса, оналари билан бу ерга келган болажонларнинг қувончини кўриб, биз ҳам таъсирландик.

Оромгоҳда оилавий бўлим

— Соғлом она ва бола йили муносабати билан алоҳида Оилавий бўлимни ташкил қилишимиз ўз самарасини бермоқда, — дейди «Чимён» оромгоҳи бош шифокори Каримжон Раҳмонов. — Махсус жиҳозланган қулай ва файзли хоналарда дам олиш, соғлиқни мустаҳкамлаш учун барча шароитлар яратилган. Болажонларнинг ўз оналари назорати остида бўлиши уларнинг тез соғайиб, куч-қувватга кириши кузатишмоқда. Бундан ташқари, болажонларнинг муссаффо тоғ хавосидан баҳраманд бўлиши уларнинг ўсиб, ривожланишида муҳим аҳамиятга эгалиги кўз ўнгимизда ўз ифодасини топтоқда. Дам олувчиларнинг кўнглини олиш, уларга маданий-маиший хизматлар кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

— Ташхис ва муолажа ишлари ер тағидан қайнаб чиқувчи маъданли иссиқ сув билан даволаш асосида олиб борилади, — дейди даволовчи

шифокор Шахриддин Бобохонов. — Иссиқ сув таркибида олтингургут маъданининг кўпчилиги турли хасталиклар, хусусан, нафас олиш йўллари, бод, бўғинларда туз йиғилиши каби дардларни даволашда яхши натижалар бермоқда. Бунинг учун сув билан ўқалаш, ванна ёки баданга сув пуркаш каби даволовчи усуллардан фойдаланиш дардмандларнинг тезроқ тузалиб, қувватга кириши ва саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, даволаш гимнастикаси, физиотерапия ҳамда балчик лойи усулларини кўпчилик маъқул кўради.

Тоғлар қуршовидаги бу оромгоҳ хушхаволиги, минг дардга даволиги, оилавий бўлим яратилгани, ширин сўз-ли, малакали ходимлари билан эътибор қозонмоқда, эътироф этилмоқда.

Эргаш ХОЛКОСИМОВ,
меҳнат фахрийси.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ



ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ КОЛЛЕЖ

Мустақиллик йилларида ёшларимизнинг таълим-тарбия олиши, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам 12 йиллик узлуксиз таълим йўлга қўйилди.

Оҳангарон агроиқтисодиёт касб-хуна қоллежи Қамчиқ домини тоғлари орасидаги сўлим Четсув қишлоғида жойлашган. Кам сонли аҳоли истиқомат қиладиган ушбу ҳудудда ёшларнинг касб-хуна ўрганиши учун бундан олти йил муқаддам 435 ўринли уч қаватли замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Илгари бизда беш мутахассислик бўйича ёшларга таълим бериларди, — дейди коллеж директори, ЎзХДП фаоли Улбўлсин Бекназарова. — 2014 йилда аҳолининг ўсиб бораётган талаби ҳамда Ангрен-Поп йўналишидаги темир йўл қурилиши бошланаётгани тўғрисида даргоҳимизда темир йўл станцияларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш техникаси, чиққон машина ва жиҳозларини ишлатиш бўйича уста (механик), темир йўл транспортида советиш жиҳозлари ва шамоллатиш қурилмаларини таъмирлаш техникаси хизмат кўрсатиш

электромеханиги, пайвандлаш ишлари техникаси, тикув ва тикув буюмларини ишлаб чиқиш технологи каби йўналишлари очилди. Ўқувчиларнинг амалиёт ўтиши учун фан кабинетлари керакли жиҳозлар билан таъминланди. Жумладан, тикувчилик йўналиши бўйича энг замонавий русумдаги 10 та тикув ва оверлок машиналари олиб келинди. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Натижа ёмон эмас. Ўқишни битираётган ёшларимиз шартнома асосида муайян иш ўрнига эга бўлмоқдалар. Қамчиқ домини бўйлаб ўтган темир йўл станцияларида коллежимизни битириб кетган ёшларимизнинг кўпчилиги хизмат қилмоқда.

Коллежда давр талаби асосида малакали мутахассисликларни тайёрлашда Бувайша Даданова, Бунёд Умаралиев, Назокат Жумабоева, Аликул Эрабобоев, Фаррух Майнисов, Дилфоз Абдувалиева Мурод Ханаев каби ўқитувчи ва мураббийлар, хизматчилар фидойилик кўрсатишмоқда.

Бу коллежни битирган ёшлардан кимдир олий ўқув юртига кириб, тахсилни давом эттирмоқда, кимдир мутахассислиги бўйича меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, бу ерда таълим олганлар замонавий касб-хунарга эга бўлмоқда.

Барно РУСТАМОВА

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Бахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokrantas.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:

Баш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

ТАҲРИР НАҲАТИ:

Abdulla OIROV	Saidkamol	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	XODJAYEV	Farrux HAMROEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.


Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1059
9018
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:35
Topshirilgan vaqti — 22:40
Satuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6